



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2021 - yil 13 - noyabr

VI-26-48-6-0-K/21

Namangan viloyati hokimligi

Наманган вилояти суди ҳамда маъмурий суди раисларининг 2021 йил тўққиз ойи одил судловни амалга ошириш борасида олиб борган ишлари юзасидан ахборотлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 13 июнида Тошкент шаҳрида мамлакатимиз тарихида илк бор ўтказилган судьялар билан учрашувидаги Ўзбекистон Республикаси суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларига бағишланган “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти” номли маърузалари судьялар учун суд соҳасидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда дастуруламал бўлиб ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг том маънода мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, ушбу соҳадаги ислохотларнинг энг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Президентимизнинг дастуруламал маърузаларида судьяларнинг ўз фаолиятлари юзасидан Судьялар олий кенгаши аъзолари иштирокида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот беришларини амалиётга киритиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши суд раисларининг ахборотларини эшитиб, судлар томонидан ҳисобот даврида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этади.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судлари томонидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ва туман (шаҳар) судларида 2021 йилнинг 9 ойи давомида жами 3368 нафар шахсга нисбатан 2801 та жиноят иши кўрилиб, 2780 нафар шахсга нисбатан 1969 та жиноят ишлари ҳукм чиқариш билан, 872 нафар шахсга нисбатан 819 та жиноят иши бўйича ҳаракатдан тугатиш билан, 12 нафар шахсга нисбатан 10 та жиноят иши бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш билан яқунланган. Шунингдек, 4 нафар шахсга оид 3 та жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказилгандан кейин дастлабки тергов органига қайтарилган бўлиб, шундан 2 нафар шахсга оид 1 та жиноят иши ЖПКнинг 405¹²-моддаси 1-қисми 3-бандига *асосан (жиноят ишини бирлаштириш учун)*, 2 нафар шахсга оид 2 та иш ЖПКнинг 405¹²-моддаси 1-қисми 5-бандига *асосан (шахснинг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавfli қилмиш сифатида малакалаш учун асослар аниқланганлиги учун)* дастлабки тергов органига қайтарилган. Шундан, туман (шаҳар) судлари томонидан 3364 нафар шахсга нисбатан 2797 та жиноят иши кўрилиб, 2777 нафар шахсга нисбатан 1966 та жиноят ишлари ҳукм чиқариш билан, 872 нафар шахсга нисбатан 819 та жиноят иши бўйича ҳаракатдан тугатиш билан, 11 нафар шахсга нисбатан 9 та жиноят иши бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш билан яқунланиб, 4 нафар шахсга оид 3 та иш дастлабки тергов органига қайтарилган.

Жами кўриб тамомланган ишлар бўйича судланган шахслар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 89,4 фоизга ёки 1.303 нафарга, жиноят ишлари сони эса 80,9 фоизга ёки 1.253 тага ошган. Шу сабабли ҳар бир судьяга бир ойда тўғри келган иш ҳажми ўтган йил шу даврига нисбатан солиштирилганда, туман (шаҳар) судлари судьялари иш ҳажми бир ойда ўртача 5,7 фоизга кўпайган.

2021 йил 9 ойида ҳукм чиқарилиб яқунланган ишларнинг аксарияти

қасддан баданга тан жароҳат етказиш, ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, штамплар, хужжатлар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, талончилик, пора бериш, безорилик, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятлари учун судланганларни ташкил этган.

Ўтказилган таҳлилга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан кўрилган айрим жиноят турлари ошганлиги маълум бўлди. Хусусан, ўғрилик (ЖК 169-моддаси) 243 тага ёки 139,7 фоизга, фирибгарлик (ЖК 168-моддаси) 238 тага ёки 91,2 фоизга, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖК 266-моддаси), қасддан баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятлар (ЖК 109-моддаси) 142 тага ёки 289,8 фоизга, безорилик (ЖК 277-моддаси) 107 тага ёки 92,2 фоизга, хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш (ЖК 228-моддаси) 67 тага ёки 109,8 фоизга, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-моддаси) 59 тага ёки 109,3 фоизга, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятлар (ЖК 105-модда) 50 тага ёки 106,4 фоизга, пора бериш (ЖК 211-моддаси) 47 тага ёки 64,4 фоизга, қўшмачилик қилиш ёки фoҳишахона сақлаш (ЖК 205-моддаси) 30 тага ёки 166,7 фоизга ортган.

Инсонпарварлик тамойилига асосланган ҳолда жорий йилнинг биринчи ярми давомида 7 нафар шахс оқланиб, 198 нафар шахс суд залида қамоқдан озод қилинди. ЖКнинг 57-моддаси қўлланган ҳолда, жиноят содир этган 907 нафар ёки 24,7 фоиз шахсга қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланиб, 71 нафар ёки 1,9 фоиз шахс шартли ҳукм қилинди. Шу билан биргаликда 1171 нафар шахс жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, 32 нафар шахснинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, касаллик ёки меҳнат қобилятини йўқотганлиги туфайли 12 нафар шахс ҳам жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган. 860 нафар ёки 23,4 фоиз шахс эса тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод

қилинди.

2021 йил 9 ойида 427 нафар аёлларга нисбатан 322 жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 331 нафарига жазо тайинлаб ҳукм чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 167 нафарга ёки 101,8 фоизга ортган. Ушбу даврда жазо тайинлаб ҳукм чиқарилган аёллардан, 55 нафарига жарима, 13 нафарига мажбурий жамоат ишлари, 54 нафарига ахлоқ тузатиш ишлари, 154 нафарига озодликни чеклаш, 55 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Жорий йилнинг ҳисобот даври давомида вилоятимизда жами судланган (жазо тайинлаб ҳукм чиқарилган ва шартли ҳукм қилинган) шахсларнинг 9,7 фоизини аёллар ташкил қилади.

2021 йилнинг 9 ой якунига кўра, жами 112 нафар вояга етмаган шахсларга оид 79 та жиноят ишлари кўрилган бўлса, шундан 82 нафар вояга етмаган шахсларга нисбатан жазо тайинлаб ҳукм чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йил ушбу даврига нисбатан 52 нафарга ёки 173,3 фоизга ошган, шундан 25 нафарига жарима, 48 нафарига озодликни чеклаш, 1 нафарига мажбурий жамоат ишлари, 8 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Наманган вилояти жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан 2021 йилнинг 9 ойида 26343 нафар шахсга нисбатан 21897 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўрилган бўлиб, шундан 16203 нафар шахсга ёки 61,5 фоизига маъмурий жазо қўлланилган бўлса, 10140 нафар ёки 38,5 фоиз шахсга нисбатан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тугатилган.

Маъмурий жазо қўлланилган шахсларнинг 14223 нафарига ёки 87,8 фоизига жарима, 1903 нафарига ёки 11,7 фоизига маъмурий қамоқ, 73 нафарига ёки 0,5 фоизига маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва 4 нафарига ашёни мусодара қилиш жазоси қўлланилган. Маъмурий жазо қўлланилган 7078 нафар ёки 43,7 фоиз шахсга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 33-моддасини қўллаб, моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгил жазо чорасини қўлланилган. Жами кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг 9085 таси ёки 41,5 фоизи маъмурий ишлар сайёр судларда кўрилган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят, туман (шаҳар) судлари томонидан жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт шaroитларни бартараф қилиш мақсадида тегишли ташкилот ва мансабдор шахсларга нисбатан 1847 та хусусий ажрим ҳамда кўриб тамомланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича 811 та тақдимнома чиқарилган.

2021 йилнинг 9 ойи давомида одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, 18271 та фуқаролик ишлари кўриб тамомланган, 11518 та аризалар бўйича суд буйруқлари чиқарилган.

Вилоятимиз бўйича ҳар бир туманлараро суди судьясининг ўртача иш ҳажми 1 ойда 194, та ишни ташкил қилиб, бу Республика бўйича энг юқори кўрсаткичдир. Шунингдек, 2021 йил 9 ойи да фуқаролик ишлари бўйича судьяларнинг иш сифати бўйича ҳам Республика миқёсида энг юқори ўринни эгаллади. Кўриб тамомланган ишларнинг 15521 таси ёки 85 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган. 2021 йил 9 ойида 9219 та ёки 50,5 фоиз фуқаролик ишлари сайёр суд ажлисларида кўрилган.

Кўрилган ишлардан 14070 таси ёки 90,6 фоизи қаноатлантирилган, 1451 таси рад этилган. 135 таси иш юритувдан тугатилган, 2615 таси кўрмасдан қолдирилган. Кўрмасдан қолдирилган ишлардан 1458 таси тарафларнинг ўзаро келиштириш йўли билан ҳал этилган.

2021 йил 9 ойида кредит ва қарз шартномасидан келиб чиқадиган низолар бўйича ишлар сони 937 тадан 7049 тага кўпайган. Бунга 2020 йилда олинган кредит суммаларини карантин сабаб фуқаролар томонидан тижорат банкларига ўз вақтида қайтарилмаганлиги сабаб бўлган.

2021 йил 9 ойида “Аёллар дафтари”га киритилган ҳуқуқий ёрдамга муҳтож бўлган аёллар билан сайёр қабуллар ўтказилгани ва уларга тегишли ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилганлиги ҳамда суд орқали уларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилинганлиги натижасида оилавий низолар бўйича кўрилган ишлар сони ҳам ўтган йилга нисбатан бирмунча кўпайган.

Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ жами кўрилган 2846 та фуқаролик ишларининг 1800 таси бўйича туман маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бўлимлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари хулосалари олинган.

Суд қарорларига асосан никоҳдан ажратилган оилалар сони 2021 йил 9 ойида 1483 тани ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоятимизда суд орқали никоҳдан ажратиш ҳолатлари 478 тага кўпайган.

Шунингдек, суднинг иш юритувида бўлган ишларнинг 62 таси бўйича эр-хотинларни яраштиришга эришилган. Судьялар ва маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг ҳудудий бўлимлари ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликда олиб борган ҳаракатлар натижасида 262 та оилаларни яраштиришга эришилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят ва туманлараро судлари томонидан 2021 йил 9 ойида оилавий низоларни олдини олиш юзасидан 787 та хусусий ажримлар чиқарилган.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги кўрилган ишлар ҳар чорак якуни бўйича умумлаштирилиб, судлов ҳайъати раиси томонидан ҳудудда никоҳдан ажратиш ҳолатлари кўпайган тегишли туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига 11 та тақдимномалар киритилган.

Судлар томонидан яраштириш учун муҳлат берилган ва никоҳдан ажратиш рад этилган эр-хотинларни яраштириш чораларини кўриш ҳақида рўйхати илова қилинган ҳолда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасига тегишли хат юборилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят ва туманлараро судлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи, меҳнат, мерос ва ворислик ҳуқуқи, алимент ундириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш тартиби, уй-жой низолари, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари, никоҳ ва оила муносабатлари, ер қонунчилиги, оилавий зўровонликларни олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид масалаларни ёритувчи 2000 мингдан ортиқ буклетлар тарқатилди.

2021 йилнинг 9 ойи мобайнида судларга тўғридан-тўғри ҳамда суд раислари, судьяларнинг шахсий сайёр қабулларидан 2.026 та мурожаатлар келиб тушган.

Судлар томонидан шахсий қабулдан келиб тушган мурожаатлар сони 841 тани ташкил этган. Қаноатлантирилган аризалар даражаси 54,3 фоизни

(тушунтиришдан қаноат ҳосил қилган) ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали ҳамда Халқ қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлар 2813 та бўлиб, шундан 1808 таси ёки 64,3 фоизи қаноатлантирилган, 978 тасига ёки 34,7 фоизига тегишли тушунтириш берилган. Қаноатлантирилган мурожаатлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 955 тага кўпайган.

2021 йил 9 ойида вилоят суди фуқаролик судлов ҳайъати томонидан 18 та, Наманган туманлараро суди томонидан 3 та, Чуст туманлараро суди томонидан 6 та, Янгиқўрғон туманлараро суди томонидан 8 та, жами 35 та қонун талабларига риоя этилмаётган ҳолатлар юзасидан тақдимномалар киритилган. Наманган вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг 9 ойида 16 та умумлаштириш ўтказилган.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати ва туманлараро судлари томонидан 2021 йил 9 ойида 7525 та иқтисодий ишлар мазмунан ҳал этилиб, шундан 4309 таси ёки 57,3 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга оид 3042 та, маъмурий ҳуқуқий муносабатларга оид 4228 та, ташкилот ва фуқароларнинг банкротлигига оид 246 та, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлашга оид 3 та, Корпоратив (таъсисчилар ўртасидаги низо) муносабатларга оид 6 та ишлар кўрилган.

Видеокоференцалоқа режими орқали 113 та суд мажлислари ўтказилган. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг 187 нафар вакили ўзлари жойлашган ҳудудлардан чиқмаган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилган суд мажлисларида қатнашиб, уларнинг 50 млн 776 минг сўмга яқин маблағлари тежаб қолинган.

Биринчи инстанция судлари томонидан жами кўриб тамомланган 92 та ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларига нисбатан апелляция тартибида келтирилган шикоят (протест)лар кўриб чиқилган.

Апелляция инстанциясида кўрилган низолар бўйича 92 та ишлардан, 10 таси (10,9%) бекор қилинган, 10 таси (10,9%) ўзгартирилган, 72 таси (78,2%) ўзгаришсиз қолдирилган. Ҳисобот даврида 24 та ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўрилиб, шундан 9 та (37,5%) суд қарорлари бекор қилинган, 2 таси (8,3%) ўзгартирилган, 13 таси (54,2%) ўзгаришсиз қолдирилган. Иқтисодий ишлар

бўйича судлов ҳайъатига жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан 91 та, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси орқали 20 та, суд девонхонаси орқали 8 та, жами 119 та муурожаатлар келиб тушган.

Ўрганиб жавоб берилган муурожаатлар сони 109 тани ташкил этиб, шундан 23 таси суд ҳужжатидан норозилик (барчасига тушунтиришлар берилган) юзасидан, 2 таси суд ҳужжати ижроси юзасидан, 1 таси муурожаатига вақтида жавоб ололмаётганлиги юзасидан, 83 таси бошқа масалалар бўйича бўлиб, уларга ҳам тушунтиришлар берилган, 9 та муурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа ташкилотга юборилган, 1 таси ҳисобот охирида қолдиқ бўлиб ўтган.

Иқтисодий судлар раислари ва судьяларининг шахсий (сайёр) қабулда жами 162 та оғзаки муурожаатлар қилиниб, шундан 88 таси сайёр қабул орқали, 73 таси бевосита идораларда, 1 таси Халқ қабулхоналарида ўтказилган.

Ишни кўриш жараёнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан айбдор мансабдор шахсларга нисбатан жами 149 та жумладан, 8 та шахсга нисбатан маъмурий, 28 та шахсга нисбатан моддий ва 12 та шахсга нисбатан интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида суд таъсир чоралари қўлланилган ҳамда 101 та бошқа мазмундаги хусусий ажримлар чиқарилган.

Хусусий тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан кичик бизнес субъектлари ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар даъвогарлигида 776 та ишлар юзасидан улар фойдасига 63 млрд. 948 млн. сўм ундириб берилган бўлса, тадбиркорларни жавобгарлигида кўрилган 6.726 та ишлар бўйича 677 млрд. 552 млн. сўм даъвогарлар фойдасига ундирилган.

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан жами 304 млрд 649 млн сўмлик 309 та молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризалар келиб тушган бўлиб шундан, 161 таси қаноатлантирган, 145 таси рад этилган, 1 таси кўрмасдан қолдирилган, 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиб, илк бор шу каби ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни мунтазам равишда ўз вақтида амалга ошириб келган ҳамда ўз фаолиятини

инсофли равишда олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига нисбатан жами 226 млрд. 705 млн. сўмлик молиявий жарималарни қўллашда енгиллик берилган ва бу билан шунча миқдордаги жарима тўлови учун қаратилиши лозим бўлган пул маблағлари уларнинг ўз ихтиёрларида қолдирилган.

Иқтисодий судлар судьялари томонидан 5 та ўқув-услубий қўлланма ҳамда 150 га яқин буклетлар тайёрланиб, тадбиркорлик субъектларига тарқатилган.

Судьялар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Қонун лойиҳаларига 57 та ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларига 84 та таклифлар қонунчилик ташаббусига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилган.

Ўтган давр мобайнида, Наманган вилоят, жиноят ишари бўйича туман (шаҳар), фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича туманлараро судлари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича жами 3.511 мартаба тарғибот ишлари олиб борилган, шундан, оммавий ахборот воситаларида 1.832 марта, шу жумладан: телевидениеда 231 та, радиода 361 марта, матбуотда 202 та, веб-сайт ва бошқа ахборот воситаларида 1.038 та чиқишлар қилинган бўлса, аҳоли орасида 1.679 мартаба давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонуний манфаатларини кафолатлашга, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга йўналтирилган.

Инсон кадр-қимматини эъзозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган судлов тизимини шакллантириш энг устивор вазифага айланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида 2020 йилнинг 24 июль куни Президентимиз томонидан “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва

одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон имзоланди.

Ушбу Фармон суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичларини бекор қилишга, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, шунингдек суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Наманган вилоят маъмурий судлари томонидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида жами 785 та оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар кўриб тамомланган.

Ушбу ишларнинг 60 таси ёки 7,6 фоизи бўйича иш маъмурий судловга тааллуқли бўлмаганлиги ва аризачи талабидан воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 39 та иш ёки 5,0 фоизи кўрмасдан қолдирилган, 205 та ёки 26,1 фоиз иш бўйича келтирилган талаблар асоссизлиги сабабли шикоят ва аризаларни қаноатлантириш рад этилган ҳамда 481 та иш ёки 61,3 фоизи бўйича судга мурожаат қилувчиларнинг талаблари қаноатлантирилиб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд томонидан тикланиши таъминланган.

Кўриб тамомланган оммавий низолар маъмурий органлар кесимида қуйидагича:

- маҳаллий ҳокимликларнинг қарорларини ҳақиқий эмас ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ кўрилган оммавий низолар 276 та кўрилган бўлиб, ушбу ишларнинг 246 таси вилоят, туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни, 30 таси ҳокимият мансабдор шахси хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ ишларни ташкил қилади.

Ҳоким қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ жами кўрилган 246 та ишнинг 79 таси ёки 32,1 фоизи қаноатлантирилган, 114 таси ёки 46,3 фоизи рад этилган, 29 таси ёки 11,8 фоизи иш юритишдан тугатилиб, 24 таси ёки 9,8 фоизи кўрмасдан қолдирилган. Ҳокимлик мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ жами кўрилган 30 та маъмурий ишларнинг 11 таси ёки 36,7 фоизи

қаноатлантирилган, 13 таси ёки 43,3 фоизи рад этилган, 3 таси ёки 10,0 фоизи иш юритишдан тугатилган ва 3 таси ёки 10,0 фоизи кўрмасдан қолдирилган. Мазкур тоифадаги ишлар юзасидан айбдор мансабдор шахсларга нисбатан 74 та хусусий ажрим чиқарилган;

- бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ кўрилган оммавий низолар 374 та кўрилган бўлиб, ушбу ишларнинг 360 таси қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни, 14 таси пенсия жамғармаси мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ ишларни ташкил қилади.

Пенсия жамғармасининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ жами кўрилган 360 та ишнинг 325 таси ёки 90,3 фоизи қаноатлантирилган, 27 таси ёки 7,5 фоизи рад этилган, 5 таси ёки 1,4 фоизи иш юритишдан тугатилиб, 3 таси ёки 0,8 фоизи кўрмасдан қолдирилган. Пенсия жамғармаларининг мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ кўрилган 14 та маъмурий ишларнинг 8 таси ёки 57,1 фоизи қаноатлантирилган, 6 таси ёки 42,9 фоизи рад этилган. Мазкур тоифадаги ишлар юзасидан айбдор мансабдор шахсларга нисбатан 128 та хусусий ажрим чиқарилган;

Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари давлат ижрочиларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ кўрилган оммавий низолар 41 та кўрилган бўлиб, ушбу ишларнинг 17 таси қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни, 24 таси давлат ижрочиларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ ишларни ташкил қилади.

Давлат ижрочисининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ жами кўрилган 17 та ишнинг 5 таси ёки 29,4 фоизи қаноатлантирилган, 9 таси ёки 52,9 фоизи рад этилган, 2 таси ёки 11,8 фоизи иш юритишдан тугатилиб, 1 таси ёки 5,9 фоизи кўрмасдан қолдирилган. Мажбурий ижро бюроси мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ кўрилган 24 та маъмурий ишларнинг 7 таси ёки 29,2 фоизи қаноатлантирилган, 11 таси ёки

45,8 фоизи рад этилган, 2 таси ёки 8,3 фоизи иш юритишдан тугатилган, 4 таси ёки 16,7. Мазкур тоифадаги ишлар юзасидан айбдор мансабдор шахсларга нисбатан 6 та хусусий ажрим чиқарилган;

Давлат солиқ органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ кўрилган оммавий низолар 48 та кўрилган бўлиб, ушбу ишларнинг 23 таси қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни, 25 таси мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ ишларни ташкил қилади.

Солиқ органининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ жами кўрилган 23 та ишнинг 13 таси ёки 56,6 фоизи қаноатлантирилган, 5 таси ёки 21,7 фоизи рад этилган, 5 таси ёки 21,7 фоизи иш юритишдан тугатилган. Солиқ органи мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ кўрилган 25 та маъмурий ишларнинг 10 таси ёки 40,0 фоизи қаноатлантирилган, 8 таси ёки 32,0 фоизи рад этилган, 6 таси ёки 24,0 фоизи иш юритишдан тугатилиб, 1 таси ёки 4,0 фоизи кўрмасдан қолдирилган. Мазкур тоифадаги ишлар юзасидан айбдор мансабдор шахсларга нисбатан 8 та хусусий ажрим чиқарилган.

Наманган вилоят ва туманлараро маъмурурий суди томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ҳолатларига йўл қўйган масъул мансабдор шахсларга нисбатан жами 221 та хусусий ажрим чиқарилган.

2021 йилнинг 9 ойи давоми давомида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг 268 таси ёки 34,1 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Наманган вилоят ва туманлараро маъмурий суди томонидан 2021 йил учинчи чорагида жами 31 та материаллар кўриб тамомланган. Ушбу материалларнинг 23 таси қаноатлантирилган бўлса, 8 таси рад этилган.

Кўриб тамомланган материалларнинг 9 таси муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш (муддатини узайтириш, озод қилиш) тўғрисида илтимосномалар бўйича кўриб чиқилган ва ушбу аризаларнинг барчаси қаноатлантирилиб, муайян яшаш жойига эга

бўлмаган шахслар реабилитация марказига жойлаштирилган.

Наманган вилоят ва туманлараро маъмурий суди томонидан 2021 йил учинчи чораги давомида жиноятчилик ва ҳуқуқбзарликларни олдини олиш, қонунчиликдаги янгилик ва ўзгартишларни аҳолига етказиш борасида жами 495 та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган.

Ҳуқуқий тарғибот ишларининг 395 таси оммавий ахборот воситалари орқали, жумладан 59 та телевиденияда, 119 та радиода, 97 та газета ва журналлар ҳамда 120 та веб-сайтлар орқали чиқишлар уюштирилган.

Аҳоли ўртасида 56 та маърузалар, 23 та давра суҳбатлари ва 21 та семинар ва учрашувлар ўтказилган.

Кун тартибидаги масала бўйича ахборотларни эшитиб ва билдирилган фикр мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олган ҳолда халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Наманган вилоят суди ва маъмурий суди раисларининг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Никоҳдан ажралиш ҳолатлари кўпайган шаҳар ва туманлардаги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларининг фаолиятини халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида муҳокама қилинишини ташкил этилсин.

3. Наманган вилоят суди (А.Эранов), маъмурий суди (З.Курбонова) раисларига:

худудларда сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича бошланган ишларни қатъиятлик билан давом эттириш, жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш амалиётини янада кенгайтириш;

ҳар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда ҳар ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этиш;

ҳар бир судья томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, халқ билан мулоқот натижалари ва судлар фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишларни ташкил этиш тавсия этилсин.

4. Вилоят суди (А.Эранов), маъмурий суди (З.Курбонова), вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Т.Юсупов, С.Султанов, Ш.Мусаев), вилоят прокуратураси (Ж.Хатамов), Ички ишлар бошқармаси (А.Атаходжаев), оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ҳудудларда сайёр суд мажлисларини ўтказиш чораларини кўриб борсинлар.

5. Ушбу қарор ижросининг назорати халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov